

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

"Учкўприк таъмини хокими"

A.K. Абдакаров
03.03.2022 йил



Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Учкўприк-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмета: "Учкўприк тумани Хокимияти" мактаб ўқувчилари учун мактаб формасини етказиб бериш
 - 1.2. Танлов киймати 99 600 000 (тўқсон тўқиз миллион олти юз минг) сум Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
 - 1.3. Етказиб бериш бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.
- Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиксан Етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.4. Маҳсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун ичida амалга оширилади.
 - 1.5 Маҳсулотларни етказиб бериш муддати-аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2 ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. "Учкўприк тумани Хокимияти" (бундан кейин - "Буюртмачи" деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.
"Буюртмачи" манзили: Фаргона вил Учкўприк тумани Наврўзшоҳ кўчаси 46 уй
- 2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов "Учкўприк тумани Хокимияти" "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишг аихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
 - 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга бапк кафолатномаси, Маҳсулотлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаъкат ва ваколатлар; танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлап тажрибасининг мавжудлиги; ўз куч лари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўгрисидаги мальумотлар;
- Низом маблаги миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган Маҳсулотлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.1. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужожатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужожатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисми “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Кўйидаги хужожатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

- Техник хужожатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужожатлар рўйхати илова қилинади);
- Танлов иштирокчиси:
- Факат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган хужожатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартариш киритиш хукуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниклашда ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужожатларни хақиқийлигига тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужожатларига ўзгартариш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч куни олдин қарор қабул қилишга хақди. Товарни (ишини, хизматни) ўзгартаришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужожатларига ўзгартариш киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартариш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидаги давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтирилиши уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичидаги маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтириларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидаги танлов иштирокчисига тегишли тушунтириши тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.